ПРОФЕССИОНАЛ БАСКЕТБОЛЧИЛАРНИНГ ИРОДАВИЙ СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИДА ЎЗИНИ-ЎЗИ БАҲОЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳазратқулов С.
Жиззах ДПУ ўқитувчиси

Таянч сўзлар: професионал баскетболчилар, иродавий сифатлар, ўзини-ўзи баҳолаш.
Ключевые слова: профессиональные баскетболисты, волевые качества, самооценка.
Key words: professional basketball players, volitional qualities, self-esteem.

РЕЗЮМЕ:
Мазкур мақолада профессионал баскетболчиларнинг иродавий сифатларини намоён бўлишида ўзини-ўзи баҳолашнинг аҳамияти борасида олиб борилган тадқиқот натижалари ва унинг илмий жиҳатдан психологик изоҳи ёритилган.
РЕЗЮМЕ:
В данной статье освещены результаты исследования значения самооценки в проявлении волевые качества профессиональных баскетболистов и ее научно-психологическое объяснение.
SUMMARY:
This article highlights the results of a study of the importance of self-esteem in the manifestation of volitional qualities of professional basketball players and its scientific and psychological explanation.

Спорт машғулотлари ва мусобақа жараёнида спортчиларнинг иродаси, улардаги иродавий сифатларнинг намоён бўлиши, спортчиларнинг ўзини-ўзи баҳолаши муҳим аҳамият касб этади. Бунинг сабаби эса спортчилар спорт фаолиятида масъулият, интизом, принципиал, мажбурият, матонат, ғайрат, вазмин, қатъийлик каби сифатларини намоён қилишлари уларни спортда муваффақиятга эришишларида муҳим омил сифатида ёрдам беради. Бунда эса спортчиларни ўзини-ўзи баҳолаш усулини ўзлаштиришлари лозим бўлади. Спортчиларнинг ўзини-ўзи баҳолаш усули уларнинг иродавий сифатларини ўрганишнинг энг кенг тарқалган усулларидан бўлиб, бу усулнинг афзаллиги эса унинг оддийлиги ва тежамкорлиги ҳисобланади. Ўзини-ўзи иродавий баҳолашнинг тузилиши

субъектнинг ўзини иродавий тартибга солиш ҳолатини акс эттиради ва у ёки бу фаолият тури томонидан унга қўйиладиган талабларга мос келади.

Биз тадқиқотимизда профессионал баскетболчиларни тарбиялашда иродавий сифатларнинг шаклланишини ўрганишда В.А.Иванников ва Э.В.Эйдман томонидан ишлаб чиқилган «Ўзини-ўзи баҳолаш диагностикаси» методикасидан фойдаландик. Ушбу методика шахснинг ўзини-ўзи баҳолашда иродавий сифатлар даражаси ва тузилишини диагностика (ташҳис) қилиш учун мўлжалланган бўлиб, унда шахснинг иродавий сифатларини қай даражада шаклланганлигини аниқлаш имкони берилган (кўрсатилган).

Тадқиқотимиз жараёнида биз профессионал баскетболчилар жамоасида ўзини-ўзи баҳолашда иродавий сифатлар даражасини ўрганишга ҳаракат қилдик, уни натижалари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Профессионал баскетболчиларнинг иродавий сифатларини намоён бўлишида ўзини-ўзи баҳолашнинг тадқиқот натижалари

Шкала	Жамоалар	N	Ўртача қиймат	Стандарт оғиш	F	p
Масъулиятли	Тошкент	23	4,7826	,42174	18,968	,000***
	Жиззах	22	3,9091	,81118		
	Навоий	22	3,5909	,73414		
Интизомли	Тошкент	23	4,4348	,50687	4,373	,017*
	Жиззах	22	4,1818	,58849		
	Навоий	22	3,9091	,68376		
Принципиалли	Тошкент	23	4,2609	,86431	12,457	,000***
	Жиззах	22	3,5455	,67098		
	Навоий	22	3,2727	,45584		
Мажбуриятли	Тошкент	23	4,3913	,72232	4,262	,018*
	Жиззах	22	3,8636	,77432		
	Навоий	22	3,7727	,81251		
Матонатли	Тошкент	23	3,8261	,77765	3,029	,050*
	Жиззах	22	4,4091	,73414		
	Навоий	22	4,0909	,86790		
Ғайратли	Тошкент	23	4,6087	,65638	7,467	,001***
	Жиззах	22	4,1364	,77432		
	Навоий	22	3,7727	,75162		

Вазминлик	Тошкент	23	3,1304	1,17954	7,390	,001***
	Жиззах	22	3,8636	,94089		
	Навоий	22	4,2273	,75162		

Изоҳ: - *-p ≤ 0,05, ***-p≤ 0,001

Биз тадқиқот натижаларини аҳамиятли бўлган иродавий сифатлар бўйича изоҳлашга ҳаракат қилдик, чунки бу изоҳ иродавий сифатларни аниқ тасвирлашга имкон беради.

Масъулиятли. Тадқиқотда иштирок этган профессионал баскетболчиларнинг кўрсатган натижалари уларда масъулиятнинг яхши шаклланганлигидан далолат беради. Масъулият кўрсаткичи Тошкентнинг «АГМК» жамоасида 4,7826; Жиззахнинг «Зиёкор» жамоасида 3,5909; Навоийнинг «Сўғдиёна» жамоасида эса 3,5909 натижани кўрсатмоқда (1-жадвалга қаранг). Мазкур натижалар асосида айтиш мумкинки, Жиззах ва Навоий жамоалари кўрсаткичларига қараганда Тошкент жамоасида бироз юқори натижани кўришимиз мумкин. Бу ҳолат Тошкент жамоасида масъулиятнинг ҳар иккала шакли яхши шаклланганлиги, улардаги машғулотларга ижобий жиҳатдан ёндошишлари, жамоада ўзаро муносабатни самаралилиги, жамоа олдидаги бурчини ҳис қилиш, мажбурият ҳисси, жамоадаги муҳит ижобий эканлигидан далолат беради, бу ҳолатни уларнинг Ўзбекистон чемпионати олий лига мусобақаларида етакчи жамоалардан бири эканлиги билан ҳам изоҳлашимиз мумкин.

Айтиш жоизки, Жиззахнинг «Зиёкор» ва Навоийнинг «Сўғдиёна» жамоалари профессионал баскетболчилари натижалари ҳам ўртадан яхши натижани кўрсатмоқда, бу натижа ҳам масъулият сифатини самарали шаклланганидан далолат беради, чунки уларнинг ҳам Ўзбекистон чемпионатидаги иштироклари буни исботлаб турибди.

Интизомли. Профессионал баскетболчилар билан ўтказилган тадқиқот натижалари асосида айтиш жоизки, респондент сифатида иштирок этган профессионал баскетбол жамоалари аъзоларида интизомлилик хислатлари яхши натижани кўрсатмоқда. (Тошкентнинг «АГМК»-4,4348; Жиззахнинг «Зиёкор» -4,1818 ва Навоий шаҳрининг «Сўғдиёна» клуби – 3,9091). Тадқиқот жараёнида қўлга киритилган натижаларни мазкур баскетбол жамоаси аъзоларининг баскетбол машғулотларига бўлган ижобий ёндашуви, жамоадаги тартиб-қоидаларга амал қилиши, интизомни маҳкам тутиши, тренер қўйган вазифаларни ўз вақтида бажариши, жамоа ишлаб чиққан график (жадвал, кун тартиби) қоидаларини бузмайди-

ган, машғулотларда бериладиган машқларни тўла-тўкис бажариш орқали ўзларидаги ушбу сифатни тарбиялаб, шакллантириб боришлари билан изоҳлашимиз ўринли бўлади. Таъкидлаш лозимки, Жиззах ва Навоий шаҳри профессионал баскетболчиларининг интизомлилик сифати кўрсаткичи Тошкент шаҳри баскетболчиларининг натижаларига нисбатан бироз тафовутни кўрсатмоқда, бироқ, бу кўрсаткич ҳам ижобий жиҳатдан намоён бўлганини кўришимиз мумкин. Демак, тадқиқот натижалари ҳар учала баскетбол жамоа баскетболчиларида аҳамиятли жиҳатдан ижобий шаклланганлигидан далолат беради.

Принципиаллик. Ўтказилган тадқиқот натижалари Тошкентнинг "АГМК" профессионал баскетболчиларида принципиаллик сифати Жиззахнинг "Зиёкор" ва Навоийнинг "Сўғдиёна" баскетболчиларига нисбатан яхши натижани кўрсатмоқда. Жиззах ва Навоий шаҳри баскетболчилари эса ўртадан юқори кўрсаткичга эга (1-жадвалга қаранг).

Демак, ушбу натижалар асосида айтиш жоизки, Тошкентнинг "АГМК" баскетболчиларида шахсий фикр, яъни, ҳар қандай вазиятда ўзини позициясида қатъий туриш, атрофидаги шароит ўзгарувчанлигига қарамасдан хулқ – атворини ўзгартирмаслик, ўзига бўлган ишонч, муаммо ва қийинчиликдан қочмаслик, кучли характер, умид каби хислатлар Навоий ва Жиззах баскетболчиларига нисбатан яққолроқ намоён бўлгани аниқланди. Бу ҳолатни биз Тошкентнинг "АГМК" баскетбол жамоасининг республикада етакчи клублардан бири сифатида эътироф этилганлиги билан ҳам изоҳлашимиз мумкин, шу билан бирга, принципиаллик сифати тадқиқотимиз объекти бўлган Жиззах ва Навоий шаҳри баскетболчиларида ҳам самарали (ижобий) шаклланганлигини таъкидлаш жоиз.

Мажбуриятли. Профессионал баскетболчилар билан олиб борилган тадқиқот ишларида биз баскетболчиларнинг иродавий сифатини ифодаланиш даражасини ўргандик. Ўтказилган тадқиқот натижалари Жиззах ва Навоий шаҳри баскетболчиларида ўртача даражадаги кўрсаткични ифода этди (Жиззах-3,8636, Навоий-3,7727). Тошкент шаҳри баскетболчиларининг натижаси эса жуда аниқ кўрсаткични намоён қилди (4,3913). Олинган тадқиқот натижалари асосида айтиш лозимки, Тошкентнинг «АГМК» профессионал баскетболчиларида мажбуриятлилик сифати юқори шаклланганлиги намоён бўлди, яъни, улар спорт машғулотларига виждонан ёндошуви, машғулот жараёнида бериладиган машқларни сидқидилдан бажаришлари, расмий ва норасмий мусобақаларда масъулиятни ҳис қилишлари, мусобақа ва машғулотларда жамоадошларига ҳар доим ёрдам беришга тайёр эканликлари, қўллаб қувватлашларини намоён қил-

дилар. Жиззах ва Навоий шаҳри баскетболчиларида ҳам мажбуриятлилик сифати ўртадан бироз юқори даражада ифодаланган бўлиб, улардаги бу натижа жамоадаги спортчиларнинг профессионал нуқтаи назардан ҳамда тажрибанинг етарли даражада эмаслиги, иродавий сифатларини шакллантириш устида кўп ишлашлари лозимлигидан далолат беради, бу ҳолатни улар билан ўтказилган суҳбат жараёнида ўзлари ҳам таъкидлаб ўтдилар. Биз ҳам буни баскетбол жамоаси аъзоларининг тажрибали ва тажрибаси кам спортчилар таркиби билан изоҳлашимиз мумкин.

Матонатли. Профессионал басктболчилар билан ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, баскетболчиларда матонатлилик сифати Тошкентнинг «АГМК» (3,8261), Навоийнинг «Сўғдиёна» (4,0909) ва Жиззахнинг «Зиёкор» (4,4091) жамоаларида ижобий жиҳатдан намоён бўлганлигини кўришимиз мумкин. Ҳар учала жамоанинг кўрсатган натижалари жуда аниқ ифодаланган бўлиб, ушбу кўрсаткичлар учала баскетбол жамоаларида катта тафовутни кўрсатмади. Бу натижаларни биз баскетболчиларнинг спорт мусобақалари жараёнида юзага келадиган вазиятларда ва жамоа қийин ҳолатларда спортчилардаги ортиқча безовталанмаслик, ўзини тута олиш, босиқлик, совуққонлик сифатлари ҳар қандай вазият ва психологик босимларга ҳам бардош беришлари, ирода кучини намойиш қилиб, мусобақа жараёнини ижобий томонга ўзгартира олиш хусусиятларини кўрсата олишлари билан изоҳлашимиз мумкин. Буни тадқиқот натижалари ҳам исботлаб турибди.

Таъкидлаш жоизки, Тошкентнинг “АГМК” жамоаси кўрсаткичи Навоий ва Жиззах жамоаларининг натижаларидан бироз фарқ қилмоқда, биз буни Тошкентнинг “АГМК” жамоаси аъзоларининг иккала жамоа аъзоларига нисбатан спорт фаолиятида юқори тажрибага эга эканлиги билан изоҳлаймиз, чунки спорт фаолиятидаги жараёнлар уларда матонатни юқори даражада шаклланишига ёрдам берганлигидан далолат беради, тажрибаси камроқ бўлган ёш спортчилар юқори даражада матонат кўрсатиши баъзан салбий холатларга ҳам олиб келиши мумкин.

Ғайратли. Биз профессионал баскетболчилар билан олиб борган тадқиқотимизда уларда ушбу сифатни қай даражада ифодаланганлигини ўрганишга ҳаракат қилдик. Тадқиқот натижалари Тошкентнинг «АГМК» (4,6087) жамоаси баскетболчилари кўрсаткичлари Навоийнинг «Сўғдиёна» (3,7227) ва Жиззахнинг «Зиёкор» (4,1364) жамоалари баскетболчиларининг натижаларига нисбатан энг аниқ даражада ифодалангани намоён бўлганини кўришимиз мумкин. Тошкентнинг «АГМК» жамоаси натижаларини биз улардаги машғулот жараёнида кўрсатаётган меҳнат-

севарлик, топқирлик, ҳаракатчанлик, қатъиятлилик, ўз фикрида турувчи, қувноқ, қийин вазиятларда масъулиятни зиммасига олувчи, зарур пайтда етакчилик қилиш каби хусусиятлари билан изоҳлаймиз, чунки юқорида келтирилган хусусиятлар уларда яққол намоён бўлмоқда.

Ғайратлилик сифати Навоийнинг «Сўғдиёна» жамоаси баскеболчиларида эса ўртача даражадан бироз юқори натижани кўрсатди, бу жамоадаги кўрсаткич шундан далолат берадики, баскетболчиларда машғулотларга бўлган муносабат, жамоадаги муҳит ва ўзаро муносабат улардаги жўшқинлик, қатъийлик топқирлик хусусиятларини такомиллаштиришга йўналтирилган тадбирлар олиб бориш лозимлигини кўрсатади.

Вазминлик. Биз тадқиқот ишимизда профессионал баскетболчиларда вазминлик сифати қай даражада ифодаланганлигини ўрганишга ҳаракат қилдик. Тадқиқотда олинган натижалар асосида айтиш мумкинки, баскетболчиларда вазминлик сифати кўрсаткичларида аҳамиятли тарзда катта тафовут кузатилмади, Навоийнинг «Сўғдиёна» жамоасида Тошкентнинг «АГМК» ва Жиззахнинг «Зиёкор» жамоасига нисбатан натижаларда бироз фарқни кўришимиз мумкин. Тошкентнинг «АГМК» ва Жиззахнинг «Зиёкор» жамоаларида вазминлик кўрсаткичи ўртадан юқори даражада (3,1304 ва 3,8636) ифодаланган бўлса, Навоийнинг «Сўғдиёна» жамоасида жуда аниқ тарзда ифодаланган (4,2273).

Бу ҳолатни биз Навоийнинг «Сўғдиёна» жамоасини Ўзбекистон чемпионати олий лига ўйинларидаги стабиллик, жамоадаги ўзаро муносабатлардаги бир - бирини тушуниш, жамоадаги муҳит билан изоҳласак, Тошкентнинг «АГМК», Жиззахнинг «Зиёкор» жамоаларида психологик ва жисмоний чарчоқлик билан изоҳлашимиз мумкин, чунки бу ҳолат Тошкент ва Жиззах жамаоалари аъзоларининг жисмоний ва психологик тайёргарлигидаги камчиликлар мавжудлигидан далолат беради.

Адабиётлар:

1. Ильин Е.П. Психология волевой усилия.- СПб.: ПИТЕР, ДОМ НАУКА, 2009. – 368 с.
2. Жаров К.П. Волевая подготовка спортсменов. М.: Физкультура и спорт, Вт. Изд. Владось, 2009. – 39 с.
3. Иванников В. А. Психология воля. Учебник / В.А. Иванников. - Л.: , 2015. – 223 с.
4. Селиванов В.И. Воля и ее воспитание. – Рязань, 2012. – 196 с.